

---

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ**  
**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ**  
**JOURNAL OF SOCIAL STUDIES**

---

**Мирзахмедов Хуршид Абдрашидович,**  
Наманган давлат университети PhD докторанти  
e-mail: devdas@mail.ru

**ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДА ЯНГИ МАФКУРАВИЙ ХАВФЛАР**



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2019-6-8>

---

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада глобаллашаётган дунёда ижтимоий-маънавий эҳтиёжларини трансформациялашуви жамият ҳаётида янги тараққиёт ғоялари ва янги таҳдидларни кириб келиши муаммолари кўриб чиқилган. Ёшлар жамият ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий янгиланишининг муҳим субъектларидан бўлиб, жамиятда содир бўлаётган мураккаб жараёнларга ўз таъсирларини ўтказишда ва тараққиётни ҳаракатга келтиришда муҳим роль ўйнайди. Жамиятимиздаги ёшларнинг маънавий-ахлоқий ҳаётига салбий таъсир этувчи "оммавий маданият" нинг ноанъанавий шакллари старизм, китч, вандализм, феминизация, маскулинизация тушунчалари таҳлил этилган.

Бозор иқтисодиётига асосан жамиятда миллий қадриятларнинг трансформациялашуви "оммавий маданият" га қарши соғлом бағрикенглик муносабатини шакллантиришни тақозо этиши таъкидланган. Шунингдек, ёшларимиз манавиятини юксалтириш, одоби, мулоқот ва кийиниш маданиятида меъёрни сақлай билиш кўникмасини ҳосил қилиш учун миллийлик билан замонавийлик уйғунлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб муаммоси эканлиги асослаб берилган.

**Таянч сўзлар:** "оммавий қадриятлар", қадрият "трансплантацияси", старизм, китч, вандализм, феминизация, маскулинизация, "оммавий маданият", толерантлик.

---

**Мирзахмедов Хуршид Абдрашидович,**  
PhD докторант Наманганского государственного университета  
e-mail: devdas@mail.ru

**НОВЫЕ ИДЕОЛОГИЧЕСКИЕ РИСКИ В ДУХОВНОЙ ЖИЗНИ МОЛОДЕЖИ**

---

**АННОТАЦИЯ**

В этой статье рассматриваются проблемы трансформации социально-духовных потребностей в глобализирующемся мире, новые идеи развития и проникновения новых угроз в жизнь общества. Молодежь является одним из важных субъектов социально-экономической, культурно-духовной модернизации общества, играет важную роль в продвижении своего влияния на сложные процессы, происходящие в обществе, и в продвижении прогресса. Анализируются понятия старизма, китча, вандализма, феминизации, маскулинизации, нетрадиционных форм "массовой культуры", которые негативно влияют на духовно-нравственную жизнь молодежи в нашем обществе.

Отмечалось, что трансформация национальных ценностей в обществе, основанном на рыночной экономике, требует формирования здорового толерантного отношения к "массовой

культуре". Также было обосновано, что обеспечение гармонии национального самосознания и современности является актуальной проблемой сегодняшнего дня для повышения духовности нашей молодежи, формирования навыков соблюдения норм в культуре поведения, общения и одежды.

**Ключевые слова:** "массовые ценности", "трансплантация ценностей", старизм, китч, вандализм, феминизация, маскулинизация, "массовая культура", толерантность.

**Mirzakhmedov Khurshid Abdirashidovich,**  
PhD doctoral student at Namangan state University  
e-mail: devdas@mail.ru

## NEW IDEOLOGICAL DANGERS IN THE SPIRITUAL LIFE OF YOUTH

### ANNOTATION

The problems of transformation of social and spiritual needs in the globalizing world, new ideas of development and penetration of new threats into the life of society are considered in this article. Youth is one of the important subjects of socio-economic, cultural and spiritual modernization of society, plays an important role in promoting its influence on the complex processes taking place in society, and in promoting progress. The author analyzes the concepts of oldism, kitsch, vandalism, feminization, masculinization, non-traditional forms of "mass culture", which negatively affect the spiritual and moral life of young people in our society.

It was noted that the transformation of national values in a society based on a market economy requires the formation of a healthy tolerant attitude to "mass culture". It was also proved that ensuring the harmony of national consciousness and modernity is an urgent problem today to improve the spirituality of our youth, the formation of skills of compliance with the norms in the culture of behavior, communication and clothing.

**Keywords:** "mass values", "transplantation of values", statism, kitsch, vandalism, feminization, masculinization, "mass culture", tolerance.

*Замонавий глобаллашув шароитида биз ҳар бир давлатчилик асосида турган фундаментал қадриятлар ҳақида унутмаслигимиз лозим.*

**Ш. Мирзиёев**

Барча тарихий даврларда ҳам ёшлар тарбияси, уларнинг дунёқараши ва ўзлигини англаш масаласи мамлакат социал тараққиёти, мустақиллиги, келажагини кафолатловчи муҳим омил саналган. Абдулла Авлонийнинг жамият фозиллашувидаги роли бўлган тарбия ҳақидаги қарашларида, "Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир" [1, - б.10] деган шиори бугунги куннинг объектив тушунчасига айланиши, тарбиянинг жамиятда аҳамиятини долзарблаштирмоқда. Давлат сиёсатига айланаётган ёшлар тарбияси бугунги кунда мамлакат тақдирини ва келажагини белгиловчи омил бўлиб қолмоқда. Глобаллашаётган дунёда уларнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжларининг трансформациялашуви жамият ҳаётида янги тушунчани, яъни ўзгалашувни [2] олиб кирмоқда. Ўзгалашув - (o'zb. - ўзга) бегоналик, танимаслик, билмаслик, тушунмаслик маъносида ифодаланади. Инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини қулайлаштиришга интилиш натижасида ўз атрофидаги қадри бўлган нарса-буюм, жараён, кимсаларга муносабатини маънавий қиймати ўзгалашувини содир бўлишидир. Шу ўринда ёшлар тарбияси, айниқса, бугунги даврда, интеграциялашув жараёни ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб

олаётгани муҳим аҳамият касб этади.

Стратегик жамият тараққиётида ёш авлоднинг тарбияси савиясининг ўрнини нечоғлик муҳимлиги ҳар қандай даврда ҳам ўзининг маълум даражада исботини кўрсатган. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев миллатнинг ёшларида мустақил фикрлашга эътибор қаратиб, "... юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун ..." давлатимиз бор куч ва имкониятларини сафарбар этишини таъкидлаган [3, - б.146].

Кўпмиллатли фуқаролик жамияти ривожда аҳолининг миллий ҳамжиҳатлиги ва бирлиги учун ҳар томонлама баркамол авлод тарбияси давлат сиёсати даражасида амалга оширилмоқда. Масаланинг муҳимлиги мамлакат аҳолисининг салмоғида ёшларнинг улушини ортиб бориши ҳам умуминсоний ва миллий қадриятлар тамойилларида ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришни долзарб муаммога айлантirmoқда. Шу маънода юртимиз озодлиги ва ободлиги учун юртбошимизнинг олға сураётган ташаббуслари таълим ва тарбия уйғунлигида миллий Ҳаракатлар Стратегиясининг [4] мазмун-моҳиятини янада бойитади. Ташаббуслар асосида ёшларни илмий интеллектуал, маънавий етук комиллик ғояси миллат тақдирини белгиловчи омил сифатида бой миллий маданиятимиз, буюк алломалардан қолган илмий меросни муносиб меросхўри бўлишни назарда тутаяди. Дарҳақиқат, ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси миллатнинг жаҳон майдонида обрў-эътиборини намойиш этиши билан миллий хусусият ва фазилатларни намoён этади.

Ёшлар жамият ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий янгиланишининг муҳим субъектларидан бўлиб, жамиятда содир бўлаётган мураккаб жараёнларга ўз таъсирини ўтказишда ва тараққиётни ҳаракатга келтиришда муҳим роль ўйнайди. Мустақиллик туфайли жамиятимизда, айниқса, унинг маданий-маънавий, маърифий соҳаларида содир бўлаётган сифат ўзгаришлари ёшлар онги, дунёқарашига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Шундай экан, мамлакат тараққиётида ўсиб келаётган ёш авлоднинг ижтимоий-маънавий ва ахлоқий тарбияси ўта муҳим ўрин эгаллайди. Ёшларимиз маънавиятини юксалтириш, одоби, мулоқот ва кийиниш маданиятида меъёрни сақлай билиш кўникмасини ҳосил қилиш учун миллийлик билан замонавийлик уйғунлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб муаммосидир.

Биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, бугунги стратегик ривожланиш тараққиёт даврида ёшларни тарбияси ва келажак учун қайғуриш туйғусини ёшлар ҳаётида ахлоқий норма сифатида шакллантириш, бугунги жамиятда пайдо бўлаётган ғоявий бўшлиқларни, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган "оммавий маданият" га қарши иммунологик муҳитни яратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим ҳисобланади.

Чунки, "оммавий маданият" деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг ижтимоий-маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай

қўймайди. Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият, деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити, деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги ижтимоий-маънавий тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар аҳамиятли эканини англаб олмоқда [5, - б.72].

Бугунги глобаллашув даврида "оммавий маданият" ни янги мафкуравий хавфлари сифатида старизм, китч, вандализм, феминизация, маскулинизация ёшлар ҳаётида табиий жараёнига айланиб, минтақа ёшларининг ахлоқида оила ва никоҳ муносабатларига ижтимоий кайфият ва мўлжалларини ўзгартириши билан жиддий таҳдид туғдирмоқда. Бу муаммо "феминизация ва мускулинизация" каби атамаларда ўртача жинсга томон девиантликка етаклаш гоёсидир. Фарбча феминизм аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уни жамиятда эркаклар билан тенг қилиш шиори остида Шарқона менталитетга зид ўзбек аёлида эркак ҳиссиётини шакллантириши билан ижтимоий мувозанатни бузишга хизмат қилади. Аёлларда эркакларга турмуш тарзи, феъл-атворга кўникиш, айниқса, эркаклар спортга жалб этилиши аёл конституциясига шикаст етказди.

Феминизация - (лот. femina - аёл) эркаклардаги аёл хис-туйғуларига хос бўлган иккинчи даражали хис-туйғу хусусиятларнинг шаклланиши жараёнидир [6]. Ўтган давр бўҳронли ўзгаришлари эркакларнинг бандлиги муаммоси, аёлларнинг савдо-тижорат гендер муаммоларини янада мураккаблаштирди. Жамиятнинг барча бўғинларида эркакларга нисбатан аёлларнинг ҳуқуқидаги устуворлик эркакни, оилада отанинг мақомини жиддий пасайтириб, фарзанд тарбиясини жиддий издан чиқарди. Кейинги ўн йилликларда эркак гендер қиёфасида нафислик, латифлик, мулойимлик, заифлашув каби фазилатлар эркак ахлоқи ва феъл-атворида шаклланиши кузатилди.

Мускулинизация (лот. masculinus - эркак) аёлларда эркакка хос хис-туйғулар шаклланиши, яъни уларнинг ахлоқида жасоратлилик, мустақиллик, ўзига ишонч, мардлик, совуққонлик, лафзлилиқ, жангарилиқни кучайтирмоқда [7]. Бу ҳол оилавий ҳаётда аёлнинг жинсий устунлик хошиш эҳтиёжи туфайли она гегемонизми ёки ғайрижинслиқка омил бўлмоқда. Ҳар қандай жамиятда аёл ва эркакнинг мақоми ва функциясини анъанавий йўлдан оғиши ижтимоий девиант ҳолатидир. Гендер тажрибаси 2014 йил Евровидение мусиқали кўрик танловида бош совринни эгалаган Австриялик Томас Нойвирт "Кончита Вурст" тахаллусида ўзининг альтер-эго [8] билан феминизация шохсупанинг энг юқорисига кўтарилди. Альтер-Эго - (лот. альтер эго - "бошқа мен") - инсоннинг ёки характернинг ҳақиқий ёки ихтиро қилинган муқобил шахсияти, унинг характери ва ҳаракатларида ёзувчининг асаридаги лирик қаҳрамон, тахаллус, ҳоким ёки ҳатто руҳий касаллик натижасида пайдо бўлган кўплаб шахслардан бири бўлган тасвир бўлиши мумкин.

Ўғил болаларда феминизация ёки қизлардаги маскулинизация жараёни ёшларнинг кайфияти, хошиш-иродаси, феъл-атворида намоён бўлмоқда. Биз фикримизни Андижон вилоятида яшовчи Музаффарнинг ўз жинсини Россия давлати Москва шаҳари клиникасида аёлга ўзгартириши билан далиллаймиз. Бу ҳол девиант ҳолат сифатида оператив ҳолда ёшларнинг гендер руҳияти юзасидан сўровларни ўтказишни ҳам талаб этади. Тажриба ғайрижинслиқка мойилликни

оммалашуви сабабларида пародия саънатининг таъсирини ҳам тасдиқлади. Бу жанр саънаткор томонидан турли ҳолатларни ўхшатишга уруниш орқали комик бадий чикишидир. Ушбу эстетикани дунё халқлари рағбатлантирсада, лекин мусулмон халқларида нафрат уйғотади. Зеро, ислом дини эркакка аёл либосини кийишни ҳаром қилиб, уни ширк ҳисоблаган. Шу боис миллий театримизда аёл образини эркаклар ижроси миллий таомилига мос эмасдир. Фарбнинг маънавий ахлоқий бузилиши ғайрижинслилик бўлиб, уни "импорти" миллатни таназзулини ахлоқий кўрсаткичидир. Биз яна мисолларга мурожаат қиламиз. Рустамхўжа Усмонов томонидан таниқли эстрада юлдузи Юлдуз Усмонова, Бобир парадист эса Мавлуда Асалхўжаева ва Феруза Жуманиёзовалар образида аҳолига тўй-тантаналарда трансгендер пародия жанрида пуллик хизмат кўрсатиши феминизацияга ўғил болаларни мослаштирмоқда.

Глобаллашувнинг яна бир салбий оқибатларидан старизм - инглизчадан таржима қилганда *star* - юлдуз мазмунини бериб, ёшлар орасида субъектив эҳтиросларга берилган ҳолда тақлид қилиш орқали эстрада артистлари, актёрлар, спортчилар, телесухандонлар орасидан янги сунъий бутлар пайдо бўлишини англатади о'9g'. Бугунги кунда эстрада артистлари, актёрлар, спортчилар, телесухандонлар ёшлар оламида ўзларини этика ва этетикаси билан "оммавий маданият" ни трендга айлантиришмоқда.

"Оммавий маданият" кўринишларидан бири "китч" бўлиб, немисчадан таржима қилганда *kitsch* - сифатсиз, "арзон", бемаза, хунук маъно-мазмунини беради [10]. Ёшларни сифатсиз, "арзон", бемаза, хунук нарса ва буюмларга харидор бўлиши билан жамиятида брендли оммалашиб, ёшларни кайфияти ва ориентир ўзгараётганини далолат беради. Ушбу шакл ёшларнинг кундалик онгига бўлган эҳтиёжларга эътибор бериш билан хавфлидир. Бу зарарли, чунки у эстетик дидни ва нормани пасайтириб, европа ноанъанавий модасининг истеъмолчисига айлантиради, бу эса ёшларда сабр-тоқатли ва садоқатли бўлиши аҳамиятини сўндиради. Натижа сифатида ёшлар кийим жанрида янги шакллар пайдо бўлди. Масалан: кэжуал [11] бўлиб, инглизчадан таржима қилганда *casual* - қулайлик ва қулайликка эътибор қаратадиган тасодифий кийим услуги маъносини англатади. Яна бир жанр оверсайз [12] бўлиб, инглизчадан таржима қилганда *oversize* - Европа мода оламида эркин кесилган нарсаларни ва эгасига жуда катта бўлган кийимларни кўрсатиш учун ишлатиладиган атамасидир. Навбатдаги жанр ми?литари [13] бўлиб, инглизчадан таржима қилганда *military* - ҳарбий кийим-кечак элементларини ишлатиш билан тавсифланган унисекс тоифасига яқин кийимдаги услуб йўналишидир.

Ижтимоийлашув жараёнида яна бошқа "оммавий маданият" кўринишларидан вандализм - инсоннинг ҳақоратловчи, ҳалокатли девиант ҳаракати шакли бўлиб, унинг давомида санъат, маданият ва қадрият объектларини вайрон ёки таҳқирлашга мажбурлайдиган руҳий ҳолатдир [14]. Глобаллашув даврида интернетни видео-ролик олами билан трендга айланиш ва шу жараёни орқали баъзи бир йигит-қизларни кўпмиллатлик ўзбек халқини хотираси ва қадриятига айланган Шомахмудовлар оиласи тасвирланган ҳайкал устидан кулган қизни толерантлик маданияти етишмаслиги билан кўтарилган муаммони долзарблигини кўришимиз мумкин.

Мазкур ижтимоий воқелик таҳдидларини ёшлар ҳаётига салбий таъсирини

шартли равишда қуйидагича гуруҳлаштиришилди:

- ёшларда ўз жинсидан қўра ўзга жинсга майл туғдириш;
- эркакларда аёллашишга бефарқлик;
- аёлларда эркаклар феъл-атворини девиант даражага ўсиши;
- жамиятда аёлларни эркак касбларига жалб этилиши;
- автомобиль аёлларнинг орнаменти (безак) га айланиши;
- йигитлар аёл, қизлар эркак кийими ёки хулқ-атворини маъқул кўриши;
- ёшлар миграциясининг ўсиши, хорижий давлатларга меҳнат миграцияси;
- ёшлар орасида девиант феъл-атворни ортиб бориши;
- ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш;
- қизларда оила ва фарзанд қадриятига муносабат ўзгариши, тадбиркорлик-карьера эҳтиёжининг устуворлиги;
- ёшларда оила қуриш ёшини жиддий "қариши";
- ёшларда бурч ва мажбурият ҳиссининг ахлоқий пасайиши;
- никоҳда самимий ўзаро ихтиёрий ҳис-туйғулар ўрнига, ўғил болаларда катта ёшли аёлларга, қизларда молк-мулк асосидаги қўшхотинликка майл;
- оила ва никоҳ муносабатларида маъсулият ва жавобгарликни ёшлар томонидан англамаслик;
- ёшлар ахлоқида енгил табиатлиликнинг ижтимоий меъёрга айланиши;
- ёшлар турмушига порнографик сурат, видеоёзувлар, санъат асарларини кириб бориши ва уларни назоратини издан чиқиши кабилар ҳисобланади.

Юқоридаги муаммолар оила ва никоҳ муносабатларида ёшларда гендер маданияти муаммоларини давлат миқёсида яна бир бор таҳлил ва талқинларини амалга ошириш эҳтиёжи мавжудлигини кўрсатади. Бугунги кунда бир ота-она фарзанд тарбиясида жиддий ўзгариш, миллий манфаатлар нуқтаи назаридан муносиб фуқарони тарбиялаш вазифасини ўз зиммасига олишига тўғри келади. Фарзанд тарбияси бу шунчаки тажриба, оддий кўрсатма ва билимлар жамланмаси эмас, балки ўз ичига ҳуқуқий-ахлоқий ва тиббий-психологик жинс билимларини ҳам қамраб оладиган мураккаб жараёндир.

Глобаллашувнинг ёшлар тарбиясига ўтказаетган таъсири информацион воситаларнинг юксак ривожланиши натижасида интернет, уяли телефон, телекоммуникациялар ва турли ахборот нашрларининг кириб келишига сабаб бўлиб, бу воситалар орқали ёшлар маънавиятида қадрият "трансплантация" си ("кўчириб ўтказиш", анъанавий турмуш тарзи ва қадриятларини янги Европа қадриятлари билан алмаштиришдир. Бу жамиятда ёшларнинг ижтимоий кайфияти ва мақсадларига салбий таъсир кўрсатмоқда) содир бўляпти, буни натижасида таклиф этилаётган "оммавий қадриятлар" (заррача бадий-эстетик қимматга эга бўлмаган нарса ва буюмларга юксак андоза тусини бериш жараёнидир) кўп ҳолларда ёшларимиз ўзлигининг миллий қадриятларимиздан узоқлаштириб қўймоқда. Шу нуқтаи назардан бола тарбиясига энг аввало оилада ота - она кўмагида таълим тарбияни олиб бориш болани ёшлигидан миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш яхши хулқли одобли билимли қилиб тарбиялаш хар биримизнинг бурчимиздир.

Ёш истеъдодларни қадрлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб - қувватлаш борасида ҳамда маънавий-маърифий соҳада кўрилаётган эзгу тадбирлар амалий самарасини беради. "...келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир" [15, - б.24].

Айнан шу мақсадда, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция, ҳамда "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш ташаббуси билан чиқди [16]. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов такидлаганидек: "Бугунги Ўзбекистонда янги авлод пайдо бўлаётганини дунё тан олмоқда. Бу авлодни ота ва онанинг миллий мақомида оила қуришга тарбиялаш - халқни келажагини таъминлаш демакдир" [17, - б.235-254].

Хулоса қилиб, юксак ўзгариш ва ислохотлар даврида янги авлодларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Фақат ана шундай асосида янги авлодларни ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мумкин. Миллий гоё, миллий тафаккур ва миллий мафкура йўлида ёшлар қанчалик бирлашса, жиқлашса жаҳон халқлари кўз ўнгида кучимиз, мавқеимиз ва ўрнимиз шунчалик баланд кўтарилди. Биз бошқа давлатларга суяниб, бошқа давлатларни паноҳ тутиб, уларнинг этагидан ушлаб юрадиган давлат, халқ эмасмиз, мустақил сиёсат, мустақил тафаккур ва мустақил ҳаракатларгина доимо бошқаларда ҳурмат ва эътибор уйғотган.

## Адабиётлар

1. Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. - Тошкент, 2008. - 240 б.
2. <https://uz.wikipedia.org/wiki/o'zgalashuv/> (қўрилган муддати 12.08.2019)
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-Жилд. - Тошкент: "Ўзбекистон", 2017. - 592 б.
4. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони №ПФ-4947.
5. Каримов И.А.Юксак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. - 176 б.
6. <https://ru.wikipedia.org/wiki/феминизация> (қўрилган муддати 12.09.2019)
7. <https://ru.wikipedia.org/wiki/маскулинизация> (қўрилган муддати 12.09.2019)
8. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Alter\\_ego/](https://ru.wikipedia.org/wiki/Alter_ego/) (қўрилган муддати 14.09.2019)
9. <https://aesthetics.academic.ru/436/старизм> (қўрилган муддати 14.09.2019)
10. <https://ru.wikipedia.org/wiki/китч> (қўрилган муддати 15.09.2019)
11. <https://ru.wikipedia.org/wiki/casual> (қўрилган муддати 16.09.2019)
12. <https://wiki.wildberries.ru/glossary/оверсайз> (қўрилган муддати 11.09.2019)
13. <https://ru.wikipedia.org/wiki/милитари> (қўрилган муддати 17.09.2019)
14. <https://ru.wikipedia.org/wiki/вандализм> (қўрилган муддати 17.09.2019)
15. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.1-Жилд. - Тошкент: "Ўзбекистон", 2017. - - б.24.
16. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади // <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017> (қўрилган муддати: 12.06.2019)
17. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2015. - 304 б.